
Раҳбар қўл остидагиларни таҳқирлашга қонунан ҳам, маънан ҳам ҳақли эмас — Шухрат Ғаниев

Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев раҳбарларнинг ходимларга қўпол муносабатда бўлиши масаласига муносабат билдирди.

ЎзА томонидан ўтказиб келинаётган «Бир саволга бир жавоб» лойиҳасида Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев «Нима учун айрим ҳокимлар ходимларига қўпол муносабатда бўлади?» деган саволга [жавоб берди](#).

— Баъзи ижтимоий тармоқларда вилоятда ҳокимлар қўл остидаги ходимларга қўпол муносабатда бўлаётгани ҳақида хабарлар тарқалди. Сизнинг назарингизда, бугунги раҳбар, ҳоким қандай бўлиши керак?

— Биз дунё ҳалқлари билан тенг ҳамкорликда, ҳеч кимдан кам бўлмай турмуш кечиришни, фарзандлар камолини кўришни истасак, барча биргаликда ҳаракат қилиши, эзгу ниятларимиз йўлидаги камчилик ва тўсиқларни бартараф этишга бирга курашишимиз лозим. Эришолмаган ютуқларимиз ва бой берилган имкониятлар учун кимнидир айбдор қилиш эмас, аксинча бунга масъул бўлган раҳбарнинг, ҳокимнинг атрофига жипслашишимиз шу вазифаларни бажаришга ўз ҳиссамизни қўшишимиз муҳимдир.

Шу ўринда ҳокимларимиз ҳам бир нарсани чуқур англаб олишлари лозим, қаерда бунёдкорлик ишлари олиб борилса, халқнинг руҳи кўтарилади, эртанги кунга ишончи ортади. Қаерда тадбиркорлик муҳити яхшиланса, тадбиркорларнинг боши қовуштирилиб фаолиятлари ривожига кўмак берилса, инвестицион муҳит яхшиланса, инвестиция жалб қилинса, ўша ҳудуд иқтисоди ривож топади ва юқоридаги вазифаларни амалга ошириш имкони бўлади.

Бугун ҳудуд ҳокими ҳар қачонгидан кўра кўпроқ изланадиган, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланадиган, энг самарали янгилик ва ташаббуслар қила олиши лозим. Шиддат билан ўтаётган вақт, рақобатлар кучаётган муҳит, инсонлар эҳтиёжи ўсиб бораётган жараёнда шунчаки ҳисоботлар билан иш юритиб бўлмайди. Аҳоли бугун амалий натижаларни кўришни хоҳлайди.

Тўғри, баъзан ижтимоий тармоқларда раҳбарларнинг ходимларга қўпол муносабатда бўлганлиги ҳақида хабарлар ҳам тарқалиб қолади. Бу воқеликка ҳеч ким бефарқ эмаслигидан, жамоатчилик назоратининг кучайиб бораётганидан далолатдир. Тўғри, раҳбар ҳам инсон, у ҳам хато қилиши мумкин, аммо у ҳеч қачон қўл остидагиларни таҳқирлашга қонунан ҳам, маънан ҳам ҳақли эмас.

Бугунги раҳбар юксак билимли, маънавиятли, катта ҳаётий тажрибага эга, изланувчан, мустақил фикрлай оладиган, масъулиятли ва фидойи бўлиб, юртимизнинг равнақи учун бутун куч-ғайратини сарф этиши шарт. Ўзининг юриш-туриши, гап-сўзи, муомала-маданияти билан барчага ибрат бўлиши лозим. Ҳар қайси раҳбар -у ҳокимми корхона, ташкилот раҳбари бўладими бу лавозимни унга берилган синов деб билиши, ўзидан яхши ном ва яхши из қолдиришга, фарзандларига ўрнак бўлишга берилган имконият деб билиши лозим. Раҳбар талабчан бўлиш билан бирга, мудом халқ дарди, одамлар ташвиши билан яшамас экан, уларни ичига кира олмайди, ислохотларнинг ижросини ҳеч қачон таъминлай олмайди.

Айрим ҳолларда ҳокимларимизнинг қўл остидаги ходимларга қаттиқ талаблар қўйиши учраб туради. Бироқ раҳбарда қатъиятлик, талабчанлик етишмаса, белгиланган вазифаларни ўз вақтида амалга ошира олмайди. Ҳеч бир ҳоким кўнгилхушлик учун овозини баланд кўтариб 1 / 2 гапирмайди.

Шу ўринда афсус билан таъкидлаш лозимки, айрим ходимларимизда ҳали ҳам эски усулда фақат

юқорининг топшириғини кутиб, ҳисоботдан-ҳисоботгача ишлаш, кунлик майда ишлар билан ўралашиб юриш ҳоллари учрайди. Ахир ҳудудларни комплекс ривожлантириш, пировардида, халқни рози қилишда ҳар бир соҳа, ҳар бир ходимнинг ўз ўрни ва ҳиссаси бўлиши керак. Ҳар биримиз ҳуқуқларимиз билан бирга бурч ва маъсулиятимизни унутмаслигимиз лозим. Бугун олдимизда жуда улкан вазифалар, юксак марралар турибди. Жонажон ватанимизнинг порлоқ келажаги ва тараққиёти учун барчамиз жипс ва аҳил бўлиб, янада ғайрат билан меҳнат қилишимиз ҳар қачонгидан муҳимдир.

«Газета.uz»

2019-01-09 15:09:05